



ТОШКЕНТ ХАЖИЖАТИ

ЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

• 1991 йил 2 февраль • шанба
№ 24 (10.020). • Баҳоси 10 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1991 йил 31 январь куни КПСС Марказий Комитети билан Марказий Назорат комиссиясининг қўшма Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум муҳокамага қўйиладиган масалалар қўйилди:

1. Ҳозирги пайт тўғрисида.
2. КПСС Уставини рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳақида.

3. КПССнинг меъёрий-усулий ҳужжатлари ҳамда партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустақамлаш тўғрисида.

4. Иттифодош республикалар Компартияларининг 1991 йилги бюджети ҳақида.

5. Ташкилий масалалар.
Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев очди.

Пленум ишида КПССнинг Марказий сайлаб қўйиладиган органлари таркибига кирмаган республика, ўлка, вилоят, округ партия комитетларининг биринчи котиблари, иттифодош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи котиблари ва Назорат комиссияларининг раислари, КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари, партия рўзномалари ва ойномаларининг муҳаррирлари, СССР Қуролли Кучларининг, баъзи идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

Биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко ахборот берди.

Мунозарда Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, Приморье ўлкаси Партизанск шаҳридаги «Центральная» шахтасининг электр слесари П. А. Жиганов, Томск вилоят пар-

тия комитетининг биринчи котиби А. А. Поморов, Беларуссия Компартияси Витебск вилоят комитетининг биринчи котиби В. В. Гигорьев, РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков, Литва ССР Вильнюс радио ўлчов асбоблари илмий тадқиқот институти парткомининг котиби В. А. Антонов, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко, Ўзбекистон ССР, Ленин номи жамоа хўжалиги раиси Р. Отажонов, КПСС Марказий Назорат комиссияси раисининг биринчи ўринбосари Е. Н. Махов, Пермь вилоят партия комитетининг биринчи котиби Е. Н. Чернишов, Ленинград вилоят партия комитетининг котиби Е. И. Калинина, Қозоғистон ССР «Қарагандауголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қаршли «Октябрь инқилоби 50 йиллиги» шахтаси парткомининг котиби П. М. Мельников, Доғистон республика партия комитетининг биринчи котиби М. Г. Алиев, СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Олейник, Москва шаҳар, Москва темир йўли 3-Москва локомотив депосининг машинисти Ю. В. Лавренов, «Учительская газета»нинг бош муҳаррири Г. Н. Селезнев, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби В. Ф. Римашевский, Беларуссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. А. Малофеев, Красноярск ўлка партия комитетининг биринчи котиби Г. П. Казьмин, ҳарбий кенгаш аъзоси — қуруқликдаги қўшинлар сиёсий бошқармасининг бошлиғи Н. А. Моисеев, Литва Компар-

тияси Марказий Комитетининг биринчи котиби М. М. Буроявичюс, СССР ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертных, С. Оржоникидзе номи Нижний Новгород авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси В. С. Куликов, Эстония Компартияси (КПСС) Марказий Комитетининг иккинчи котиби В. С. Мальковский, Эстония ССР, Таллин давлат консерваторияси кафедрасининг муdiri К. Я. Комиссаров сўзга чиқдилар.

Пленум ҳужжатларини тайёрлайдиган тахрир комиссиялари тузилди.

Биринчи масала юзасидан тахрир комиссияси номидан КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов сўзга чиқди.

Тушган таклифлар ва мулоҳазалар атрофида кўриб чиқилганидан кейин, бўлиб ўтган муҳокамадан сўнг «Ҳозирги пайт ва партиянинг вазифалари тўғрисида» сиёсий баёнот қабул қилинди, бу ҳужжат матбуотда эълон қилинади.

«КПСС Уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида» ҳамда «КПССнинг меъёрий-усулий ҳужжатлари ва партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустақамлаш ҳақида» КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин маъруза қилди. Пленум КПСС Марказий Комитети ишлар муdiri Н. Е. Кручинанин «Иттифодош республикалар Компартияларининг 1991 йилги бюджети тўғрисида»ги маърузасини тинглади.

Тахрир комиссияси номидан КПСС Марказий Комитетининг котиби Ю. А. Манаенков сўзга чиқди.

Пленум «КПСС Уставини рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида», «Партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустақамлаш ҳақида», «Иттифодош республикалар Компартияларининг 1991 йилги бюджети тўғрисида»ги қарорларни муҳокама қилиб, қабул этди; КПССдаги сайлов ва сайланадиган органлар таркибидан чиқариб олиш тартиби тўғрисидаги; КПСС аъзоларини ҳисобга олиш ва партия ҳисоби ҳақидаги; КПСС ташкилотларида ва сайланадиган органларида иш юритиш ҳақидаги; партия аъзолик бадалларини ҳисобга олиш ва КПСС ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятига оид; СССР Қуролли Кучларидаги КПСС ташкилотларининг иши ҳақидаги йўриқномаларни; шунингдек КПСС бошланғич партия ташкилоти котибининг мақоми ҳақидаги; «КПСС ветерани» тўғрисидаги; КПССда мунозара ва референдумлар ўтказиш ҳақидаги низомларни тасдиқлади.

Пленум КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат комиссиясининг аъзолари таркибидан комиссия тузиб, уни Эстония партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳолини ўрганиш учун юбориш, бунда республикадаги коммунистларнинг кучларини жиқслаштириш, фуқароларнинг тинчлигини ва ижтимоий иноқликни сақлашни кўзда тутиш ҳақида қарор қабул қилди.

Пленум А. И. Гельман партия билан алоқасини ўзди, деб уни КПСС Марказий Комитети таркибидан чиқарди, Г. Г. Гумбаридзенин Грузия Компартияси Марказий Комитети-

нинг биринчи котиби сифатидаги фаолияти тўхтаганлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Марказий Комитет аъзоси, академик С. С. Шаталиннинг матбуотдаги сўнги чиқишларига қўшилмаслигини изҳор этди ва уларда билдирилган фикрларни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясида ва айниқса унинг Марказий Комитетиде аъзолик билан сиғишмайди, деб ҳисоблайди.

Пленум КПСС Марказий Назорат комиссиясининг Президиумига ўртоқ С. С. Шаталин соғайганидан кейин унинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ташкилоти кўриб чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми муҳокамага таклиф киритишни топширади.

Ўртоқ Г. И. Янаев СССР Вице-Президенти этиб сайланганлиги ва бутун куч-ғайратини шу лавозимда ишлашга сарфлаши лозимлиги муносабати билан у КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби вазифаларидан озод этилди.

Пленум Эстония Компартияси (КПСС) Марказий Комитетининг биринчи котиби ўртоқ Л. Э. Аннусин КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси этиб сайлади.

Ўртоқ П. К. Лучинский КПСС Марказий Комитетининг котиби этиб сайланди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўзинини тамомлади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Вилоят партия комитети мафкура комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда 1991 йилга тасдиқланган яш режасига мувофиқ бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Вилоят бошланғич партия ташкилотлари котиблари семинар-кенгаши яқунлари бўйича, Бекобод шаҳар партия комитетининг меҳнаткашларни байналмилал рўхда тарбиялаш борасидаги ишлари тўғрисида, вилоятда диний вазиятнинг социологик тадқиқотлари натижалари, вилоят шаҳар ва ноҳияларида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида ахборотлар тингланди.

Комиссия мажлисида навбатдаги Наврўз байрамини ўтказишни таъминлаш мақсадида вилоят ташкилий комитетини тузиш, жойларда совет идоралари, касаба уюшмалари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда худди шундай комитетлар тузиш шаҳар ва ноҳия партия комитетларига тавсия этилди. Комиссия аъзолари вилоят ташкилий комитети таркиби бўйича таклифлар киритдилар. Комитет таркибига вилоят партия комитети мафкура комиссиясининг аъзолари, миллатлараро масалалар комиссияси аъзолари, партия, совет, касаба уюшма, комсомол хо-

димлари, адабиёт ва санъат арбоблари тавсия қилинди.

Наврўз вилоятда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг чинакам бейналмилал байрами сифатида ўтиши лозимлиги таъкидланди. Наврўзга тайёргарлик давомида байрамни юксак савияда ўтишини таъминловчи ҳамма тadbирларни амалга ошириш лозим.

Комиссия ишида фалсафа фанлари доктори М. А. Усмонов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги дин ишлари бўйича Кенгашнинг Тошкент вилоят вакили М. Х. Юсупхўжаев, Тошкент вилоят партия комитети ҳузуридаги социологик марказ директори Б. Ф. Мусаев, фалсафа фанлари номзои А. А. Илҳомов, шаҳар, ноҳия партия комитетларининг мафкура иши бўйича котиблари, вилоят партия комитети мафкура бўлимининг ходимлари қатнашдилар.

Миш-мишлар совуқдан чўчимайди

Январь ойининг сўнги кунинда фуқароларнинг жамғарма банкларига қўйган пул омонатлари 1 февралдан бошлаб қисман қайтариб берилмайди деган миш-мишлар кенг тарқалди. Ҳатто қаттиқ совуқ ҳам «ишонарли маълумотлар» тарқалишига тўсқинлик қилолмади. Буларнинг ҳаммаси аҳолини ташвишга солмоқда, фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига кўплаб мурожаатлари шундан далолат бераёпти:

ТАСС мухбири СССР Жамғарма банки бошқарувининг раиси В. Хоркин билан боғланди, у қуйидагиларни маълум қилди:

— СССР Вазирлар Маҳкамаси ҳам, СССР Давлат банки ҳам, Жамғарма банки ҳам аҳолининг омонатларини, шунингдек банк сертификатлари ва заёмларни қайтариб беришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул

қилмаган, бундай қарорни қабул қилмоқчи ҳам эмас. Мен бугун СССР молия вазирлигидан телеграмма олдим. Унда тушаётган сўровлар муносабати билан қимматбаҳо қозғалар муомаласининг одатдаги тартиби тасдиқланган.

Биз, деб давом этди В. Хоркин, 23 январдан бошлаб биринчи ярим йилда жамғарма банки ва бошқа барча банклар муассасаларида фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни ойига 500 сўм миқдорда чеклаб қўйиш тўғрисидаги маълум қароргагина асосланамиз. Бу хусусда ҳам алоҳида ҳолларда: тўй, дафн маросими, чет элга жўнаб кетиш ҳолларида истисно бўлиши мумкин. Одамларда саволлар пайдо бўлаётганлиги муносабати билан жойлардаги ходимларимизга тушунтириш ишларини олиб бориш топширилди.

• Бу ҳақда кенгашда гапирилган эди

АНИҚЛИК КИРИТМОҚЧИМИЗ

Биз яқинда бўлиб ўтган вилоят бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинар кенгаши ҳақида батафсил ахборот берган эдик. Кенгашнинг сўнгги кун республика ва вилоят раҳбарлари «Давра суҳбати» атрофида иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарган эдилар. Лекин вақт тизги бўлганлиги учун қолган саволларга раҳбарлар рўнома орқали жавоб беришга ваъдалашган эдилар. Бугун маориф соҳасида ишловчи БПТ котибларини қизиқтирган саволларига вилоят халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ш. И. Жалилов жавоб қайтаради.

— Шухрат Илҳомович, кейинги пайтларда республикамиз Президентга томонидан чиқарилган ўқитувчиларнинг ижтимоий-моддий шароитларини яхшилаш йўлидаги фармонларни вилоятда қай даражада амалга оширмоқда?

— Маълумки, мамлакатимизда биринчи марта республикамиз Президенти И. А. Каримов томонидан ўқитувчиларнинг ижтимоий-моддий шароитларини яхшилаш мақсадида бир неча фармонлар эълон қилинди: жумладан, 1990 йил 2 июнда «Бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳафталик иш соатларини қисқартириш, айни пайтда ойлик маошларини ошириш» ва 1990 йил 13 ноябрда юқори синф ўқитувчиларининг маошларини ошириш ва уларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида фармонлар қабул қилинди. Ана

шу фармонларга асосан вилоятимиз бўйича 7908 бошланғич синф ўқитувчилари учун сентябрдан декабрь ойигача, яъни тўрт ой мобайнида 2678 минг сўм қўшимча пул тўланди. Юқори синф ўқитувчиларига ҳам қўшимча имтиёзлар яратилди. Иккинчи фармонга мувофиқ уларнинг салкам 30 минг нафарига қўшимча ойлик сифатида бир йилига 6639 минг сўм, «ЎзССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» ва «ЎзССР халқ ўқитувчиси»ларидан 86 нафарига эса бир йилига 67310 сўм маблағ тўланди.

— Сўнгги пайтларда мактабларда араб тилини ўргатишга ҳам эътибор кучаймоқда. Бироқ умуман араб алифбосига қайтишимиз бошқа қийинчиликларга олиб келмайдими?

— Мактабларда араб тилини ўқитиш асосий мақсад эмас, мақсад — араб алиф-

босига асосланган эски ўзбек ёзувини ўргатиш. Эски ўзбек ёзувини ўрганиш халқимизнинг узоқ йиллик тарихи ва маданиятини ўрганиш учун зарурдир. Ана шунини ҳисобга олиб 1991—1992 ўқув йилидан бошлаб эски ўзбек ёзуви алоҳида фан сифатида ўқув планига киритилади.

Араб алифбосини ўрганиш мактаб шароити, ўқувчилар ва ота-оналар талабига асосан жойларда ҳал қилинади. Лекин араб тилини ўрганиш чет тили (инглиз, француз, немис тиллари)ни ўрганиш ҳисобидан эмас, балки факультатив учун ажратилган соатлар ҳисобидан ўқитилади. Бу ерда шунини алоҳида ҳисобга олиш шартки, арабларнинг ўзи чет (инглиз, француз, немис) тилларини ўрганишмоқда.

Эски ўзбек ёзувини ўқитиш учун муаллимлик олийгоҳининг ўзбек тили ва адабиёти куллиётларини тугатган, эски ўзбек ёзувидан қўшимча ихтисосликка эга бўлган мутахассислардан фойдаланишни шарт қилиб қўйганмиз.

— Қишлоқ ўқитувчиси шаҳарда яшаса ҳам ер ва қурилиш учун солиқ тўлашдан озод қилинадими?

— Жумҳуриятимиз Пре-

зидентининг Фармонига асосан ўқитувчилар яшаш жойига кўра имтиёзлардан фойдаланадилар, шунга кўра шаҳарда яшовчи ўқитувчилар қўшимча имтиёзлардан 50 фоиз фойдаланиш ҳуқуқига эгалар.

— Ўқитувчининг бир ставкаси неча соатдан иборат бўлиши керак ва бир ўқитувчи учун неча ставкага рухсат берилади?

— Мактаб маъмурияти қарорига биноан бошланғич синф ўқитувчилари учун ҳафтасига 14 соатдан 28 соатгача (2 ставкага), юқори синф муаллимлари учун ҳафтасига 16 соатдан 32 соатгача (2 ставкагача) дарс бериш умумий ҳолатда рухсат этилади. Айрим ҳолатларда мактаб шароитига қараб аниқланган меъёрдан ташқари ҳафталик дарс соатларига ноҳия халқ таълими бўлими билан келишилган ҳолда рухсат этилади.

— Деярли барча мактабларда ҳар йили ремонт ишлари учун маблағ ўқитувчи ёки ота-оналар ҳамёнидан олинади? Қачон бу ишлар давлат томонидан бажарилади?

— Ҳозирги кунда вилоятдаги аксарият мактаблар

моддий базаси ниҳоятда қашшоқ. Уларнинг кўпи мослаштирилган, ночор ҳолдаги биноларда жойлашганлиги ҳеч кимга сир эмас. Албатта, мактаб жорий ремонт учун давлат томонидан моддий маблағ ажратилади, лекин у талабни асло қондиrolмайди.

Шу билан бирга база ташкилоти мактаб қошидаги ишлаб чиқариш корхоналари, ота-оналар комитети қарорига асосан ўз ташаббусларига кўра ремонтга ёрдам кўрсатмоқдалар ва бу хайрли иш давом этиши керак.

— Президентимиз Фармонига мувофиқ ўқитувчиларнинг маоши оширилди, бироқ мактаб маъмуриятиники ошмади. Энди раҳбар бўлиб ишлаш учун (директор, илмий мудар, ташкилотчи) кадрлар топиш қийин бўляпти. Мактаб маъмуриятининг, пионер уйлари ходимларининг ҳам ойлиги ошадими?

— Президентимизга барча халқ хўжалиги соҳалари каби бизнинг вазирлик ҳам республика ўқитувчилар конференцияси резолюциясига асосан қўшимча таклифлар билан биргаликда мактаб раҳбарлари иш маошини қайта кўриб чиқишни таклиф этган. Лекин, ҳозирча бу муаммо ҳал қилингани йўқ. Умид қиламизки, бу масалага ижобий ёндошилади.

Суҳбатдош
З. ЖҲРАЕВА.

МОСКВАДА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

МОСКВА, 31 январь. (ТАСС мухбирлари Б. Зверев ва В. Исаченков). КПСС Марказий Комитетининг Москвада очилган Пленуми СССР халқ депутатлари тўртинчи съездининг қарорлари асосида мамлакатда конституциявий тартибни дарҳол ўрнатиш керак, деган фикрни билдирди.

Ҳозирги пайт ва партиянинг вазифалари юзасидан ўтказилган мунозарадан кейин Пленум қабул этган сиёсий баёнотда иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг суверенитетлари қарор топиш жараёни қўллаб-қувватлашни изҳор қилинди. Шу билан бирга қайд этиб ўтилдики, баъзи жумҳуриятларда СССР халқ депутатлари Съездларининг қарорлари писанд қилинмаётганлиги, мамлакат Конституциясининг қондалари ғайриқонуний тарзда бекор қилинганлиги бедодликка йўл очиб берди ва демократияга қарши, ноқонуний ҳужжатлар қабул этилишига имкон берди, бу ҳужжатлар шахс ҳуқуқларини камситди, одамларнинг табиий норозилигига ва ҳатто шу ҳужжатларга қарши ҳаракат бошланишига сабаб бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов кечкурун журналистлар билан бўлган учрашувда уларни сиёсий баёнотнинг мазмуни билан таништирди. Унинг маълум қилишича, Пленум қатнашчилари Болтиқбўйидаги ва Кавказортидаги фожияли воқеалар натижасида одамларнинг ҳалок бўлганлиги муносабати билан қайғу изҳор этдилар ва биродаркушликни тўхтатиш, мамлакатни бунёдкорлик йўлига қайтариш учун имкони бўлган ҳамма ишлар-

ни қилишга азму қарор берганликларини тасдиқладилар.

Мунозара чоғида, деди А. С. Дзасохов, Форс кўрфаз атрофидаги вазият ҳақида гапирилди. Пленум мамлакатнинг давлат раҳбариятини уруш ҳаракатларини тўхтатиш мақсадида халқро ҳамжамият, БМТ олдида зарур қадамларни қўйишга даъват этди.

Нотиқ журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, КПССдан ташқари барча сиёсий партияларнинг фаолиятини тақиқлайдиган ва матбуот тўғрисидаги қарорнинг амал қилишни тўхтатиб қўйдиган қарорлар мажмуи тайёрланмаётганлиги тўғрисидаги мишмишларни рад қилди. Бу мишмишлар «ўтакетган уйдирмадир», деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг котиби.

У яна қуйидагиларни айтди. КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко тақдим этган ҳозирги пайт тўғрисидаги маърузада иқтисодий муаммоларга катта эътибор берилди. Пленум қатнашчилари, жумладан нарх-навонинг ўзгартирилиши тирикчилик қийматини индекслаш ва унинг қимматлашуви учун тоvon тўлаш жараёни билан айни бир вақтда ўтказилиши керак, деб ҳисоблайдилар.

Марказий Комитет котиби журналистларга сизлар билан шу учрашув бошланган пайтда Пленумда кун тартибдаги фақат биринчи масала кўриб чиқилган эди, деб айтди. Унинг сўзларига қараганда иттифоқдош республикалар коммунистик партияларининг бюджет тўғрисидаги масала, шунингдек КПСС фаолиятига таллуқли бошқа баъзи ҳужжатлар муҳокама қилиниши лозим.



СССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ҚЎМИТАСИДА

28 январь кун Москва ҳарбий округининг ҳарбий трибунали 1955 йилда тўғилган, СССР мудофаа вазирлигининг илмий-тадқиқот илмгоҳида илмий ходим бўлиб ишлаган майор Виктор Ильич Куценкони давлат сир ва ҳарбий сирни бошқа мамлакатга бериш шаклида ватанга хиёнат қилишга уринишда айблаган доир ишни кўриб чиқишни тугаллади.

Тергов ва суд мажлиси чоғида Куценко ўз айбини тан олди ва хизмат юзасидан фойдаланиши мумкин бўлган ҳужжатли материалларни фарзати

мақсадларни кўзлаб НАТО мамлакатларидан бирининг разведкаси вакилларига топширишга уринганлигини кўрсатди. Мазкур ҳужжатлардаги маълумотлар давлат сиридир.

Куценко жиноий фаолиятига чек қўйиш СССРнинг мудофаа ва давлат хавфсизлиги манфаатларига жиддий зарар етказилишининг олдини олишга имкон берди. Бу зарар юз миллион сўмдан кўпроқни ташкил этиши мумкин эди.

Трибунал қарори билан Куценко 5 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

Ривожланган мамлакатларда мусиқа, қўшиқ таъбиотнинг бир усули ҳисобланади. Беморни нафақат шифокор муолажаси, балки яхши қўшиқ ҳам даволайди.

Бунга Тошкент вилоятидаги «Қибрай» санаториясида даволанувчилар кун кеча шоҳид бўлишди. Ажойиб санъаткор Олимжон Орифжонов, қўшиқчи-шоир Нормурод Нарзуллаевларнинг чиқиши дам олувчиларда катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар шеъронлик ва концерт программасидан ташқари даволанувчиларга эсдалик совғалари топширдилар.

Жуда ҳам мароқли ўтган бу учрашув ниҳоятда дам олувчилар меҳмонларга миннатдорчилик билдиришди, ижодий парвозлар тилашди. Сураткаш Е. БОТИРОВ.

РАСМИЙ РАДДИЯ

КПСС Марказий Комитети Пленумининг бир қанча қатнашчилари кооператоришбилармои А. Тарасовнинг гўё СССР Президенти Курил ороллари тизмасидаги тўртта оролни 200 миллиард доллар эвазига Японияга топширишни кўзда тута-

диган махфий битимни Япония ҳукумати билан тузганлиги ҳақидаги гаплари хусусида берган саволлар муносабати билан СССР Президентининг матбуот шўъбаси хабар қиладики, мазкур ороллارга тааллуқли ҳеч қандай битим тузилган эмас.

Бу сиёсий иғвогарликдир. Хабарда таъкидланганича, агар Тарасов атайлаб тухматдан иборат уйдирмаларни тарқатганлиги учун ошқора кечирим сўрамаса, М. С. Горбачев ўз шаънига айтилган сохта айблар тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тегишли суд идораларига топшириш ниятидир. (ТАСС).

Қадрлиқ

КЕЛИНИМ БАРАКА ТОПСИН

МЕРОСИМИЗНИ АВАЙЛАЙЛИК

Кўпчиликка маълум, Тошкент шаҳрида Иттифоққа машҳур «Алгоритм» электрон ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарадиган завод ишлаб бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Завод шарофати билан шаҳар чекмасида каттагина «Алгоритм», кейинчалик ал-Хоразмий, деб қайта номланган мавзе шиддат билан қад кўтармоқда. Ҳамшаҳарларимизнинг аксарияти ана шу мавзеда ҳовли тўйларини ўтказмоқдалар. Завод Иттифоқ аҳамиятига молик бўлгани учун ерда турли миллат вакилларини учратиш мумкин. Мени ушбу мақола ни ёзишга бир ўқувчимнинг саволи сабаб бўлди. Маълумки, ҳозирги мактабларнинг деярли ҳаммаси ЭҲМлар билан жиҳозланган. Мактабда «Информатика асослари ва ҳисоблаш техникаси» фанининг асосий ғояларидан бири — бу алгоритм тушунчасидир. Мен болаларга «Алгоритм» сўзи буюк ўзбек математиги ал-Хоразмийнинг лотинча аталшидан олинган, деб мавзунини тушунтира бошладим.

— Шухрат дўкони бека-тидан кейинги тўққиз қаватли уйнинг қаршидаги оқ рангдаги «чол» ал-Хоразмийми?

— Ҳа, шу киши Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмийнинг ҳайкали.

— Қачон кўрсам кичкина болалар уни устига чиқиб бекинмачоқ ўйнаб юришадик-ку? Опоқ ҳайкал доим чанг бўлиб ётади. Сиз кўрганмисиз, Бахтиёр ака?

— Сенга нима десам экан? Ўқувчимнинг бу саволи мени жуда ўйлантириб қўйди. Нима дейишимни билмай қолдим. Тўғриси, ҳайкални кўргани айтидан бордим. Бордим-у ўқувчи ҳақ эканлигига, унинг ёш юрагига ачиниш ҳислари уйғонган-

лигидан бир тарафдан хурсанд бўлдим, бир тарафдан биз катталарни бефарқлигимизга яна бир қарра ишондим. Ҳайкал ниҳоятда арзон материал — гипсдан эканлиги, оқланавериб асл қиёфаси ҳам ўзгариб кетганлиги шундоқ сезилиб турарди. Ўқувчи айтган кичкина болалар гоҳ ҳайкал «елкаси»га чиқиб, гоҳ орқасига бекиниб, қувламачоқ ўйнаб юрганга чидаб туриш, айнаса, мен алгебра ва информатика ўқитувчисига анча мушкул бўлди. Билмадим, агар бошқа халқларнинг бирийўла иккита фанга асос солиб кетган аждои бўлса, ҳар ҳолда бизга ўхшаб ҳар йили оқланадиган гипсдан ҳайкал қўйишмаса керак. Тошкентдаги энг ҳароб ҳайкал ал-Хоразмийники, десам ишонаверинг. Ишонмасангиз, бориб кўринг, агар кўнглингиз бўш бўлса йиғлаб олишингиз ҳеч гап эмас.

Яқинда Тошижроқум комиссияси қарори билан «Алгоритм» мавзеси «Ал-Хоразмий» деб ўзгартирилди. Бу жуда адолатли қарор бўлди. Аллома номи ҳеч бўлмаса ўз юртида бузилмасин.

Ҳозир ошкоралик замони туфайли турли комиссиялар меросимиз ҳазиналарига яна қайтмоқдалар. Илм, маърифат ҳақ эканлигига яна бир қарра ишонмоқдалар, жаҳон алақачон танийдиган олимларимизни биз яна қайта таниб, худди ҳазина топгандек онадан янги туғилган гўдак каби уларга мурожаат қилаймиз. «Олтин зангламас» деб шунини айтсалар керак. Матбуот, рисоаларда «Мерос», «Қадимий китобларни ўрганамиз» ва шунга ўхшаш мақоалар пайдо бўлмоқда. Лекин аждоларимизни минг марта ёзмай, улар ҳақида қанчалик маърузалар қилмайлик, уларнинг номини бир марта абадийлаштириш ўрнини бо-

са олмайди. Майли, ўтган ишга салавот: Гипсдан ҳайкал турғунлик даври авжига чиққан бир пайтда қурилган-дир. Эҳтимол, унинг муаллифлари шаҳар чекмасида ниҳоят катта, давлат аҳамиятига молик завод қурилишини билмагандирлар ҳам. Энди «Алгоритм» заводини ҳамма билади. «Менинг фикримча хатоларни тuzатиш, аллома номини асл ҳолига қайтариш керак. «Алгоритм» мавзеси қайта «Ал-Хоразмий» мавзеси бўлиб номлангани шарофати туфайли худди улкан завод қаршидаги катта майдонга унинг бронзадан салобатли ҳайкалини қуриш лозим. Бино ҳам худди ёйсимон шаклда қурилгани, бу ерга бобомиз ҳайкали жуда узунка кўз қўйгандек ярашади. Албатта, бу ишни амалга ошириш учун аллома юбилейини пойлаб ўтириш ярамайди. Бу ишни амалга оширгандан кейин эски ҳайкалдан воз кечса бўлади, бирийўла ҳар йили уни «оқлаб» ҳам юрмаймиз.

Мавзеда ва заводда кўп миллат яшайди ва ишлайди. Заводга иш юзасидан юзлаб турли миллат мутахассислари келиб кетадилар. «Алгоритм» тамғаси билан минглаб маҳсулотлар чиқмоқда. Шу ўринда заводга мавзе билан монанд «Ал-Хоразмий заводи» деб қайта номланса деган таклифни қўймоқчиман. Иттифоқда «Киров заводи», «Чкалов заводи», «Путтилов заводи» деган заводлар борлигини эътиборга олсак бундай номланмиш мутлақо тўғри ҳол деб ҳисоблайман. Четда «Ал-Хоразмий заводи» тамғаси билан маҳсулотларни кўриш нақадар ёқимли эканлигини тасвирлаш қийин. Яқинда А. Беруний номидаги Тошкент политехника олийгоҳидан машинасозлик олийгоҳи ажралиб чиқди.

Унинг филиаллари «Алгоритм» заводда ҳам бор. Агар бирийўла машинасозлик институтини ҳам «Ал-Хоразмий номидаги Тошкент машинасозлик олийгоҳи» деб номласак Берунийдек жарангламайдими? Зора, бизнинг талабалар ҳам «Ломоносовда ўқийман», «Низомийда ўқийман» деганидек «Ал-Хоразмийда ўқийман» десалар.

Биз халқлар дўстлиги, Иттифоқига содиқ халқмиз. Тошкент шаҳрининг ўзида неча минглаб турли миллат ва элатлар вакилларининг ҳайкаллари савлат тўкиб турибди. Ш. Руставели, Шастри, Горький, Пушкин, Киров, Фрунзе — бу рўйхатни давом эттирериш мумкин. Бу обидалар қимматбаҳо санъат асари, энг асосийси ҳаммаси ўз ўрнини топган. Марказий кўчалар, ноҳиялар ҳам уларнинг номида. Лекин байналмилалчилик тенг ҳуқуқли, икки томонлама бўлиши лозим. Йўл қўйилган хатоларни ҳам тuzатиш замони келди. Албатта, Ал-Хоразмий ҳақидаги менинг юқоридаги фикрларим мунозарали, кенг жамоатчиликка муҳокама учун ташлашман. Қилни қирққа бўлувчи олимларимиз, жамоатчиларимиз, қолаверса, олий Шўродаги ошкоралик комиссиялари ушбу мулоҳазаларимни кўриб чиқиб, бирор фикр берсалар яхши бўлур эди. Президент ҳузурдаги Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси эҳтимол тегишли қарор ҳам чиқариб берар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонга хос ва мос номларни тиклаш ҳам мустақиллик сари, дунё бозорида муносиб ўрин топишининг рамзи, деб биламан.

Бахтиёр КАРИМОВ,
ўқитувчи.

Ешим тўқсонга яқинлашиб қолди. Тошкентда яшайман. Ували-жувалиман. Кесалик эмасми, дардининг бири қўйиб, иккинчиси ҳуруж қилиб қолади. Бир-биридан яхши фарзандларим ҳаминша ҳолимдан хабар олиб турадилар. Тақдир экан, яқинда тўнғич ўғлимни ерга қўйдик. Маҳалла-кўйга ҳам қариндошларга ҳам катта раҳмат. Иззат-иқром билан кузатишди. Ўғил-қизларим, куёвларим, келинларим, набираларим ёнимга кириб ҳар кунни тасалли беришди. Илҳиқ сўзлари билан жонимга малҳам бўлишади. Мен уларни номма-ном санаб ўтирмайман. Ҳаммасидан миннатдорман. Аммо келинларимдан бири ҳақида икки оғиз бўлса ҳам газетда ёзсанглар дейман. У энг кенжа ўғлим — Йўлдошвойга тушган. Исми Фароғат. Уни кечаю кундуз дуо қилганим-қилган. Ҳали бирон марта дилимни ранжитганини билмайман. Кишининг боши ёстиққа етганда албатта бировга муҳтож бўлиб қолади. Аммо баракана топгур, на кундузи, на кечаси нолимасдан хизматимни бажо келтиради. Уни қизларимдек аъло кўраман.

Оиланинг палаги тоза бўлса, фарзандлари ҳам мўмин-қобил, меҳнатқаш, каттанинги ҳам, кичикнинг ҳам қадрига етадиган бўлиб улғаяр экан. Келиним палаги тоза оиладан. Уни тарбиялаган ота-онасига ҳам раҳмат. У менинги қадримга шунчалик етибдими, келгусида бундай яхшиликларни албатта фарзандларидан кўради, қадр топади.

Қолаверса мен барча ўғил-қизларимдан, келинларим, набираларимдан ҳурмат кўраётганимдан беҳад ҳурсандман.

Тожибой ТИЛЛАЕВ,
Киров ноҳиясидаги Оқтепа маҳалласи меҳнат фахрийси.



**ҚАБР
АТРОФИДАГИ
ГУЛЛАР**

Олимжон билан талабалик йиллари танишганимиз. У жуғрофия куллиётида таҳсил олса ҳам адабиётга меҳри зўр эди. Унча-мунча шеърларни ҳавас учун машқ қилиб юрарди. Дорилфунунни битиргач у ўз юрти Бухорога кетди. Йиллар давомида дўстим билан хат орқали ҳол аҳвол сўрашиб турдик. Бора-бора ҳар ким ўзи билан овора бўлиб қолди шекилли, алоқамиз узилди. Лекин кўнгли пок, дилкаш, тенгдошлар орасида ҳазил-мутоабани ҳаммадан ҳам кўра кўп ёқтирадиган дўстимни астойдил кўргим келар, унинг самимий суҳбатларидан баҳраманд бўлгим келарди.

Бир кун ташкилотимиз бошлиғидан навбатдаги сафаримда Бухорога йўллашни илтимос қилдим. У эътироз билдирмади. Бу кўҳна шаҳарга тайёрада учиб борар эканман, дилим севингча тўла эди. Олимжоннинг очиқ чехраси, ҳаминша кулиб турувчи кўзлари тобора равшанроқ шаклланарди. Ҳаёлан ўзимни улар хонадонига ҳис этардим. Мана «пўлат қуш» оҳиштагина замин бағрига қўнди. Ундан тушиб кўпчилик қатори такис бека-тига бордим. Ҳайдовчилардан бирига қўлимдаги манзилгоҳ ёзилган бир парча қоғозни кўрсатдим.

— Бўлди, аҳо, ярим соатда эшикка етказаман, — деди у.

Дарҳақиқат шундай бўлди. Машина ҳаворанг, оч қизғиш хошиялар тортилиб, сариққа бўялган дарвоза олдида тўхтади. Ҳайдовчи билан ҳайрлашгач, қўнғироқ тугмасини аста босдим. Ичкаридан «ҳозир» деган товуш эшитилди. Кейин зум ўтмай эшикни баланд бўйли, қо-

матдор, қош кўзлари худди Олимжонникига ўхшаш йиғитча очди.

— Келинг, ассалому алайкум.

— Валлайкум ассалом. Мен янглишмадимми? Олимжонларники шуми, — сўрадим мен, — Тошкентда у билан бирга ўқиганми, сафарга келувдим, дўстимни бир кўриб кетгай дедим.

Йиғитча хомуш ерга қараб қолди. Кейин яна илтифотга ўтди.

— Кираверинг, уйда бувим борлар.

У мени айвонга бошлади. Еши тўқсонларни қоралаб қолган кампир билан кўришгач унга ҳам Олимжонни йўқлаб келганини тушунтирдим.

— Қадрлаб келган қадимингиздан ўргилай, — деди-ю, кампир кўзларига ёш олди. Кейин изтиробга тўлиб: «Уч йил бўлди, ўйлигинам бандаликни бажо келтирган, пешонамга сиғмади, болам», дея ув тортиди. Мени қарши олган йиғитчанинг кўзларида ҳам ёш қалқиб бунисига тасалли бера бошлади.

— Майли, бувижон, худо раҳмат қилган бўлсин, дадамларни, Бувижон уриниб қолманг.

Кампир кўнглини бўшатгач бироз тин олди. Олимжонни эслаб узоқ суҳбат-

лашиб ўтирдик. У келини Сарвинисодан, ота изини босаётган яқинда армия хизматини битириб қайтган Ўқтамжондан миннатдор бўлиб гапирди.

Кечки томон Ўқтамжон билан қабристонга йўл олдик. Анча обод жой экан. Қора, оқ мрамлардан қўйилган ёдгорликлар ҳам кўп. Ўрта йўлдан бораверишда икки туп арча экилган қабр олдида тўхтадик. У сомон билан қалин қилиб шувалган, атрофига пишқ пишқ орас-та қилиб терилган.

— Дадамларга тузукроқ ёдгорлик ҳам қўя олмадик, — деди Ўқтамжон ҳижолат бўлиб. Арчаларни, атир гуллари армиядан олдин эккан эдим. Улар яхши кўкарди. Баҳор келиши билан яна райхонлар ҳам экиб қўяман. Дадам райхонни яхши кўрардилар.

Биз Ўқтамжон билан дўстим руҳига бағишлаб тиловат қилдик, қабристондан қайтар эканман, Ўқтамжон костоми чўнтагидан бежиримгина ён дафтарчани чиқариб узатди.

— Амаки, ўқинг, дадамлар касалхонада ётганларида ёзган шеърлар, — деди у. Олимжоннинг хати ҳам ўзига ўхшаш хушчирой эди. У онасига, темирчи отасига, ёлғиз ўғлига бағишлаб дил сўзларини изҳор этибди.

Улар орасида Сарвинисога бағишлаб ёзилган шеър ҳам бор.

Меҳрли фариштам, минг бор розиман,
Елғизим нигоҳи ўчмас ўйимдан.
Дилингда чалинган ҳаёт созиман,
Илтимос, кетмагил, қора уйимдан.
Отам, онамларнинг бўлгил мадори,
Ўқтамжон бағрингда тез топсин камол.
Ўғлинг обод қилса менинги мозорин,
Руҳим топинидаи сенга ойжамол.

Шеърни ўқидиму ўзимни тўхтата олмадим. Уша дили нисонийлик билан тўлган Олимжон товушлари қулоқларим остида жаранглагандай бўлди. Қадди расо ота ўғил Ўқтамжонга меҳрим товланди. Отаси руҳи олдида дили рўшнолигидан қувондим.

Олимжонлар хонадонига бир олам тўғйу билан кириб келдим. Ҳовлига қадам қўйишим билан нуруний онахонга чой қўйиб узатаётган аёлга кўзим тушди.

— Аям нишдан эрта қайтибдилар, — деди Ўқтамжон. Аёл бизни кўриши билан деворга суянган ёстиқларни бироз ўнглаган бўлди, кейин ҳовлига чоғланди...

Сайдвали ҲАСАНОВ.

Душанба *

4 ФЕВРАЛЬ

УзТВ I

- 9.00 «Силосин ҳақида». Телефильм.
9.55 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. Ойбекнинг «Навоий» романи асосида кўп қисмли телевизион видеофильм, 4-қисм (такрор).
11.10 «Олтин тўй». Фильм-концерт.

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Евпатий Коловрат ҳақида эртақ». Мультифильм.
18.25 «Жамоат ташкилотларида».
19.00 «Санъат олами». Мусаввир Улуғбек Болтабоев.
19.15 «Халқаро ҳаёт».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
20.25 Тижорат хабарлари.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созимиз — овозимиз». Х. Зарипов, О. Назарова.
21.30 Москва. «Время».
22.15 Ойнаи жаҳон хазинасидан. Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. Ойбекнинг «Навоий» романи асосида кўп

- қисмли телевизион видеофильм, 5-қисм.
23.25 Янгиликлар.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

19.00 «Ассалому алайкум» (такрор).
20.00 «Спринт» (рус тилида).
20.15 «Сухбатга чорлаймиз». Акмал Икромов ноҳияси аҳолиси билан бевосита мулоқот.
21.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
21.30 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

7.00 «Тонг» (120+30).
9.30 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.
9.45 Мультифильмлар.
10.15 «Резидентнинг хатоси». Бадий фильм, 1-қисм — «Кўҳна афсонага кўра», 2-қисм — «Бекаснинг қайтиши».
12.30 «ТСН».
12.45 Е. Шаврина куйлайди.

15.30 «ТСН».
15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифона». Йигирма серияли теле-

- визион бадий фильм, 15-серия.
